

уларнинг эмпирик кўрсаткичлари таҳлиладан келиб чиқиб, уни татбиқ этиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. ПДТнинг барча шкалалари ёки алоҳида шкалаларини қўллаш орқали шахс хусусиятлари юзасидан зарур илмий маълумотлар олиш мумкин.
2. ПДТнинг қуйи шкалалари билан юқори тартибли шкалаларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали натижаларнинг ҳаққонийлиги таъминланади.
3. ПДТ шахсдаги рухий барқарорлик ва беқарорликни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, улар орқали шахснинг психик фаоллик даража-сидаги ўзгаришларни баҳолашга эришилади.
4. ПДТ ёрдамида шахснинг социал муносабатларга қиришимлиги, ижтимоий фаоллиги ва эстетик таассуротчанлик даражаси аниқланади;

Адабиётлар

1. Анастаси А. Психологическое тестирование. Т.ИИ. - М.: «Педагогика». 2005. -С.233-234.
2. Березин Ф.Б., Мирошников М.П., Соколова Е.Д. Методика многостороннего исследования личности. Структура, основы интерпретации, некоторые области применения. Предисл. Т.Барлас. 3-е изд., испр. и доп. -М.: "Березин Феликс Борисович". 2011. -С. 320.
3. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика: Учебник для вузов. СПб. -Питер: 2006. -С.351.
4. Гильбух Ю.З. Актуальные вопросы валидации психологических тестов. Вопросы психологии. № 5. -М.: Педагогика, 2008. -С. 108-118.
5. Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности. - М.: «Просвещение», 1985. -С.319.
6. Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С. Психодиагностика ва экспериментал психология. -Т.: 2011. 8-б.
7. Общая психодиагностика. Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. -М.: Изд-во МГУ, 2008. -С.10-13.
8. Расулов А.И. Психодиагностика. -Тошкент: «Мумтоз сўз». 2010. 169-б.
9. Словарь-справочник по психологической диагностике. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Отв. ред. С.Б. Крымский. -Киев: «Наук. Думка», 1989. -С. 114-116.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган психодиагностик тест ҳақида сўз боради. Унда психодиагностик тестнинг мослаштириш масаласи ва баҳолаш меъёрлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается психодиагностическому тесту, ориентированному на личностные качества. В ней основное внимание уделяется стандартам адаптации и оценки психодиагностических тестов.

SUMMARY

The article is devoted to the psychodiagnostic test aimed at personal qualities. The attention is focused on the standards of adaptation and evaluation of psychodiagnostic tests.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

У.Х.Тўракулов - ўқитувчи

Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: Бўлажак ўқитувчи, касб таълими, интеллектуал-лаштириш, таълим мазмуни, билим, қўнма, малака, интеллектуал ресурс, интеллектуал салоҳият, интеллектуал фаолият, таркиб топтириш, шакллантириш, инновацион, мутахассислар, индукция, интеграция, интерфаол.

Ключевые слова: будущий учитель, профессиональное образование, интеллектуальное, образовательное содержание, знания, умения, интеллектуальные ресурсы, интеллектуальный потенциал, интеллектуальная деятельность, содержание, формирование, инновация, экспертиза, индукция, интеграция, интерактивность.

Key words: future teacher, vocational education, intellectual, educational content, knowledge, skill, habits, intellectual resources, intellectual potential, intellectual activity, content, formation, innovation, expertise, induction, integration, interactive.

Маълумки бўлажак ўқитувчилардаги интеллектуал салоҳият жамият тараққиётини интеллектуаллаштиришга салмоқли таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам бундай бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни уларга таълим беришнинг барча ўқув босқичларида узликсиз равишда олиб бориш лозим бўлди.

Мазкур соҳада олиб борган изланишимизни ҳам бўлажак мутахассисларни интеллектуал салоҳиятли қилиб тайёрлашни муайян динамик тизим кўринишида олиб бордик. Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз бундай динамик тизимни қуйидагидек кетма-кетликда [1-5]:

интеллектуал ресурсни тайёрлаб олиш босқичи. Бу босқич 1-курсдаги таълим-тарбия жараёнига мос равишда олиб борилади;

интеллектуал салоҳиятни таркиб топшириш босқичи. Бу босқич 2-курсдаги таълим –тарбия жараёни билан уйғун ҳолда олиб борилади;

бўлажак ўқитувчиларни **интеллектуал фаолиятга тайёрлаш босқичи.** Бу 3-курсдаги таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади; бўлажак ўқитувчиларни **интеллектуал фаолиятни ташкил**

этишга тайёрлаш босқичи. Бу 4-курсдаги таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Баён этилган тўртала босқич ўзаро узвий боғланган, уларнинг биринчиси иккинчисини тўлдириб боради, кейинги босқич учун пропедевтик маълумот бўлиб, у ўз навбатида дидактик асос ҳам бўлиб боради. Биринчи босқичдаги интеллектуал ресурсларга оид маълумотлар интеллектуал салоҳиятнинг ўзагини ташкил этади, улар асосида иккинчи босқичдаги интеллектуал салоҳият шакллантирилади, яъни интеллектуал салоҳият интеллектуал ресурсдан бир поғона зиёд бўлади. Худди шунингдек учинчи босқичдаги интеллектуал фаолият интеллектуал ресурс ва салоҳият негизида шакллантирилади ва демакки, тўртинчи босқичда бевосита улар негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрланади, яъни интеллектуал фаолиятни ташкил эта оладиган бўлажак ўқитувчига касбий фаолиятга тавсия берилади.

Юқорида ифодаланган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг бакалаврият йўналишидаги барча курслари бўйича динамик кетма-кетлик бўлажак

ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг **мазмунини** ташкил этади.

Маълумки, **таълим мазмуни** инсонни ўқитиш жараёнида муайян фан (мутахассислик) бўйича эгалланадиган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ташкил этади. Бундай мазмун қўйиладиган муаммолар характерига қараб турлича бўлади, яъни улар тадқиқот йўналишига қараб янада аниқлаштирилади. Бу борада қуйидаги манбаа аҳамиятлидир:

“Таълим мазмуни”– белгиланган мақсадга мовофик йўналиш ва ҳажимга эга бўлади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Таълим мазмунининг тўғри белгиланишида унга зарур ўзгартиришлар киритилиши, унинг янгиланиб бориши имкониятлари назарда тутиши лозим. Белгиланган мазмун асосида ўқув фанлари, ўқув соатлари, машғулот турлари ва шу кабилар аниқланади [6].

Тадқиқотимизнинг навбатдаги қисмида юқоридаги динамик тизим кўринишида ифодаланган босқичлар мазмуни ҳақида тўхталамиз.

Биринчи босқични амалга ошириш давомида 1-курсда ўрганиладиган фанлардан таълим мазмунига интеллектуал ресурсларга оид маълумотларни сингдиришга қулай бўлганини (мос келадиганини) танлаб оламиз. Танлаб олинган фан (мавзу)лар бўйича улар мазмунига сингдириладиган интеллектуал ресурсларга оид маълумотларни аъъанавий таълим мазмунига интеграция қилишга (кўрсатма) ишлаб чиқилди ва у билан тажриба гуруҳида таълим берувчи ўқитувчи таништирилди. Бунинг справочник материаллари тайёрланди. Бундай маълумотлар орқали маълумотлар базаси шакллантирилди. Интеллектуал ресурслар бўйича маълумотлар базасини тайёрлашдан яна бир мақсад тадқиқотга оид ахборот технологиясига асосланиб ҳам ишлаб чиқилади. Таълим берувчи дастур ва “Интеллект” номли кўмакчи компьютерли тизимлардан фойдаланишда ундан фойдаланади. Бундай ахборотли технологиялардан муайян мавзу (Фан, тушунча, қонун, қоида) ни ўрганишда ва шу манбага оид билим, кўникма ва малаканинг шаклланганлигини назорат қилишда ҳам фойдаланилади.

Ушбу соҳадаги тадқиқотимиз сифати ва савиясини ошириш мақсадида интеллектуал ресурсларга оид дидактик материаллар мажмуасини ҳам тайёрлаб олдик. Тайёрланган дидактик материаллар бўйича йиғилган маълумотлар муайян тизимга келтирилиб (улар мавзуларни ўрганиш кетма-кетлигига мослаб тайёрлаб қўйилади). Ундан интеллектуал ресурслар негиздаги таълим жараёнида ва ахборотли технологияли вариантли интеллектуал ресурсини шаклланганлигини ўрганиш ҳамда уни назорат қилишда дидактик асос сифатида фойдаланилади.

Бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг **иккинчи босқичи** интеллектуал салоҳиятини таркиб топтириш, деб номланиб, бунда биринчи босқичдаги жараён бевосита давом эттирилади. Яъни аъъанавий таълим мазмунини интеллектуал салоҳиятга оид маълумотлар билан интеграцияланиб янгиланган таълим мазмуни ҳосил қилинади. Бунинг учун тадқиқот тажриба-синов ишлари ресурсига киритилган фанлар мазмунига интеграциялаш учун мўлжалланган интеллектуал салоҳиятга оид маълумотларни тўплаб олдик.

Ушбу босқичда ҳам интеллектуал салоҳиятга оид дидактик материаллар тайёрланиб, улар ўрганиладиган мавзу (тушунча, қонун, қоида, фан)га

мослаб ахборот кўринишга келтириб қўйилади. Улар яъни, справочник ва дидактик материаллар негизда бўлажак ўқитувчини интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг маълумотлар базаси тузилади ва улар асосида бўлажак ўқитувчини интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг инновацион-интегратив таълим жараёни шакллантирилган. Ушбу инновацион-интегратив таълим жараёнини ташкил этиш технологияси асосида бўлажак ўқитувчининг интеллектуал салоҳиятини таркиб топтиришга киришиш мумкин. Ушбу жараёндаги таълим мазмунини интеллектуал-лаштирилган таълим мазмунидан иборат бўлади. Ушбу жараённинг дастлабки босқичидан фарқи шундан иборатки, бу босқичдаги таълим мазмунининг мукамаллигини таъминлаш мақсадида бўлажак ўқитувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга оид креатив ахборотлар муҳити ҳам тайёрлаб қўйилган. Бу орқали аъъанавий таълим мазмунини замонавий мазмуни илм-фан ва техника-технологияларининг энг сўнги ютуқлари билан бойитилади ва шу асосда таълим мазмуни ҳам замонавийлашади, инновация-лашади. Бундай ҳолатда шакллантириладиган бўлажак ўқитувчининг интеллектуал салоҳияти, уларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг асосий негизини ташкил этади.

Бўлажак ўқитувчини интеллектуал фаолиятини ташкил этишга тайёрлашнинг **учинчи босқичи** бўлажак мутахассисларни интеллектуал фаолиятини шакллантиришга бағишланган бўлиб, бунда ҳам таълим мазмунини интеллектуаллаштириш ва улар асосидаги таълим жараёнини ташкил этиш масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда бўлажак ўқитувчи билан олиб бориладиган машғулотлардан методик характердаги фанларга кўпроқ эътибор берилади, шунингдек, уларнинг бевосита иштирокидаги тренинг дарс машғулотлари ҳам ташкил этилади. Ушбу босқичда ҳам справочник ва дидактик материаллар ҳамда креатив ахборотлар мажмуаси аъъанавий таълим мазмунини бойитиш учун тайёрлаб ахборот кўринишига келтириб қўйилди ва улар интеллектуаллаштиришга муҳим дидактик манба бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятини таркиб топтиришда кўпроқ таълим мазмунини инновационлаштиришга эътибор қаратилди. Бунинг учун инновацион дастур (тажриба гуруҳларидаги таълим жараёни учун) ишлаб чиқилиб уларга мос инновацион метод ва технологиялар танланади ҳамда керакли жойларда янги инновацион таълим ва технологиялар ишлаб чиқилди. Бундай ишланмалар учун ҳам олдинги босқичлардаги таълим мазмунини мукамаллаштиришга мос қилиб тайёрланган справочник ва дидактик материаллар ҳамда креатив ахборотлар муҳитига мос ахборотлар дидактик асос бўлади. Шу сабабли ҳам бу ҳолатдаги таълим мазмуни справочник ва дидактик материаллар, креатив ахборотлар муҳити, инновацион дастур ва инновацион метод ҳамда технологиялар иштирокида мукамаллашади.

Бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг сўнги **тўртинчи босқичини** бўлажак ўқитувчининг интеллектуал фаолиятини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга бағишланади. Бу босқичда таълим мазмунига алоҳида талаблар қўйилади. Улар қуйидагилар: тўртинчи курсда ўтиладиган методик характердаги фанлар мазмуни интеллектуаллаштирилади (справочник ва дидактик материаллар ҳамда креатив ахборотлар муҳитига мос маълумотлар билан аъъанавий таълим интеграцияланади); педагогик амалиёт даврида интеллектуаллаштирилган синов дарслари уюшти -

рилади.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида баён қилинган таълим мазмуни ва ундан амалиётда фойдаланишни таъминловчи усулларнинг ҳамкорлигига кўмаклашувчи воситалар мажмуавий характерга эга бўлиб, ушбу мажмуа бўлажак ўқитувчининг интеллектуал фаолиятини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришни оптималлаштиришга методологик

асос бўлади ва тадқиқот ишини мукамал равишда олиб боришга кенг имкониятлар яратади.

Таълим мазмунини шакллантиришнинг мазкур технологиясидан бошқа йўналишдаги мутахассисларни ҳам интеллектуаллаштирилган ва инновациялашган касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланилса шубҳасиз ижобий натижалар қўлга киритилади.

Адабиётлар

1. Тўрақулов У.Х., Насриддинова Г.С., Зарипов Л.Р. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий шаклланиши механизми. Таълим тизими бошқарув кадрларини тайёрлаш: муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. -Т.: 2014, 119-121-б.
2. Тўрақулов У.Х., Жиянкулова Р.Х., Рахмонов Ф.Г. Ўқувчиларни касбга тайёрлашда имитацион виртуал тренажёрлардан фойдаланиш. //“Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. -Т.:“Fan va texnologiya”, 2015. 402-405-б.
3. Тўрақулов У.Х. Интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг илимий-методик таъминоти. Магистрлик диссертацияси. -Т.: 2016. 124-б.
4. Тўрақулов У.Х. Интеллектуаллаштирилган ўқитиш воситалари негизида ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг ташкилий-тузулмавий моделини ишлаб чиқиш. //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. ИМЖ. -Т.: 2016. №1. 19-24-б.
5. Тўрақулов У.Х. Бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш босқичлари. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. ИМЖ. -Т.: 2018. №1. 57-62-б.
6. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов У., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н., Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Т.: Fan va texnologiya, 2009. 672-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш учун интеллектуаллаштирилган таълим мазмунини шакллантириш масаласи қаралади. Мақоладан таълим соҳасини интеллектуаллаштириш муаммолари билан шуғулланувчилар фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается формирование интеллектуального образовательного контента для подготовки будущих педагогов к профессиональной карьере. Статья может быть использована для решения вопросов, связанных с интеллектуальным образованием.

SUMMARY

The article deals with the formation of an intelligent educational content for future teachers to prepare them for their professional career. The article can be used to deal with issues related to intellectual education.

ARNAWLÍ MEKTEPLERDE ANA TILIN OQÍTÍWDA ZAMANAGÒY TEKNOLOGIYALARDAN PAYDALANÍWDÍŇ ÁHMIYETI

K.Tajimuratova – assistent oqitwshi

A.Tajimuratov – student

Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: Maxsus taʼlim, alohida yordamga muhtoj boʻlgan bolalar, “korreksiya”, “kompensatsiya”, “reabilitatsiya”, aqliy hujum, epednayer, klaster, koʻzi ojiz bolalar ushuni, eshitishda nuqsoni boʻlgan bolalar uchun, aqli zaif bolalar uchun moʻljallangan maktab-internatlar.

Ключевые слова: специальное образование, дети которым нужна специальная помощь, «коррекция», «компенсация», «реабилитация», мозговая атака, эпеднайзер, кластер, специальные школьные учреждения для детей с нарушениями зрения, дети с нарушениями слуха, умственно отсталые дети.

Key words: special education, children who need extra help, “correction”, “compensation”, “rehabilitation”, brainstorming, ephedrade, cluster, special schools for the blind children, hearing impaired children, boarding school for mentally retorted children.

Ўзбекстан Respublikasi ġarezsizlikke eriskennen baslap ayrıqsha járdemge mütáj balalarǵa arnawlı tálim-tárbiya procesin rawajlandırıw, milliylik hám ózin-ózi ańlaw ruwxında tárbiyalaw, oqıtıw, jańa sabaqlıqlar, oqıw qollanbaların tayarlawǵa úlken itibar berilmekte, bunnan tisqari mayıplardıń huqıqların qorgaw boyınsha birqansha buyırıqlar hám qararlar tayarlangan.

Ўзбекстан Respublikasınıń «Bilimlendiriw haqqındaǵı» Nızamında arnawlı tálim haqqında 23-statıyasında mayıp hám ayrıqsha járdemge mütáj balalarǵa tálim-tárbiya beriw boyınsha tiyisli kórsetpeler belgilep qoyılǵan [2].

Bunnan kórinip turǵanıday, biziń mámleketimizde imkaniyatı sheklengen insanlarǵa bilim beriw, jámiyetke tartıw, ómirde óz orınların tabıwǵa kómeklesiw nızam tiykarında belgilep berilgen hám olarǵa bilim beriw ushın arnawlı mektep hám mektep internatlarınń jumısı jolǵa qoyılǵan.

Arnawlı tálim degende fizikalıq hám ruwxıy kemshiliklerge iye bolǵan balalarǵa anıq maqsetti gózlep “korrekciya”, “kompensaciya”, “reabilitaciya” jumısların ámelge asıratuǵın arnawlı tálim mekemeleri bolǵan kózi ázzi balalar ushın, esitiwinde kemshiligi bolǵan balalar ushın, aqlı zaııp balalar ushın arnalǵan mektep-internatlardaǵı tálim-tárbiya túsiniledi. Bunday arnawlı mektepler ushın arnalǵan sabaqlıqlar hám oqıw qollanbalar ana-tilimizde jaratılǵan hám basıp shıǵarılǵan. Bul sabaqlıqlar ishinde balalardıń til baylıǵın asırıw hám aqlı oyın tereńlestiriwde ana-tili

sabaǵınıń tutqan ornı hám atqaratuǵın xızmeti úlken áhmiyetke iye.

Hár tárepleme salamat rawajlangan bala awız-eki sóylew tiykarında óz ana tilinde sóylewdi iyeleydi. Quylaǵı awır bala ushın bolsa bul proces qıyın hám waqıt talap etedi. Onı háreketke hám iskerlikke úyretiw arnawlı hám júdá názik korrekcion – pedagogikalıq processti talap etedi.

Ana tilin oqıtıwda tildi ámeliy iyelewin táminlew menen bir qatarda dásturde ana tilin mektep oqıw pání sıpatında úyreniw máselesi de qoyılǵan.

Bul bolsa eki jol menen ámelge asırıladi.

Birinsiden: ana tilin ámeliy iyelew talapları engizilgenen keyin oqıwshılardıń aldına tilge baylanisli ayrım hádiyselerdi biliw talapları qoyıladi (1-4-klaslarda).

Ekinshiden: 5-klasstan baslap ana tilin pán sıpatında úyreniwdi názerde tutıwshi “Grammatika hám imla” bólimi kiritiledi [3:173].

Ana tilin oqıtıwdıń kommunikativ sistema tiykarında ámelge asırılıwı olardan sóylew iskerliginiń túrli kórinislerin iyelewdi talap etedi. Bularǵa misal etip sóylew, oqıw, tınlawdı alsaq boladı. Sóylew iskerliginiń hár bir túrin iyelew ushın oqıwshılarda mütájilik tuwılıwı, hár bir konkret jaǵdayda sóylew, pikir bildiriw ushın turaqlı mütájlik payda bolıwı, pikirdi sózler hám gápler arqalı sawlelendiriwdi rejeli ámelge asırıwı iyelewge, onı ámelge asırıw quralı hám usılların tańlawǵa úyretiw talap etiledi. Bunda oqıwshılar